



ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни қурилиш лойиҳалари тақдими билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ, “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилган эди. Қарорда мазкур университет учун ер ажратиш, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда замонавий ўқув кампуси лойиҳаси ишлаб чиқиш ва қуриш вазифаси белгиланган.

Тақдиротда дастлаб ушбу лойиҳа кўриб чиқилди. Университет учун пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Дўрмон йўли кўчаси бўйида 30 гектар ер ажратилган. Мажмуа лойиҳаси Туркиянинг “Outdoor Factory” компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унга кўра, бу ерда 5 та факультет учун ўқув бинолари, маъмурият, ўқитувчилар ва талабалар учун ётоқхоналар, ошхона, кутубхона, лаборатория, спорт саройи ва стадион барпо этилади.

Ҳозир бу ҳудудда Президент мактаби бор. Келгусида Президент таълим муассасалари агентлиги ҳам шу ерда жойлашади. Шу тариха ҳудуд таълимга ихтисослашган ялпит мажмуа бўлади.

Давлатимиз раҳбари мажмуани сифатли қуриш, ўқув биноларида буюк алломаларимиз сиёмиси ва меросини акс эттириш, ёшларнинг ўқиши ва ҳаракатланиши учун қўлайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Яна бир лойиҳа келгусида давлат музейларини реконструкция қилишга қаратилган. Унга кўра, биноларнинг архитектураси ва тарихий қийматини сақлаб қолган ҳолда ички шароитларини яхшилаш, замонавий техникалар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Жаҳондаги

машҳур музейлар тажрибаси асосида экспонатларнинг кўримлилигини ошириш, тарихий ашёларни безарар сақлаш, келувчиларга қўлайликлар яратиш бўйича ҳамма жиҳатлар инобатга олинган. Бу ишлар натижасида музейларнинг кўргазма майдони кенгайиб, аҳоли ва сайёҳлар учун жозибadorлиги ошади.

Яшнобод туманидаги “Технопарк” ҳудудида аквапарк барпо этиш лойиҳаси ҳам истиқболли. Бунинг учун ҳозирда фойдаланилмай турган бино билан бирга 4,5 гектар ер мўлжалланган. Мажмуа тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси эвазига барпо этилади. Бу ерда очик ва ёпик сув ҳавзалари, аттракционлар, тамаддихона, ўйин майдончалари бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шунга мутаносиб равишда Юнусобод туманидаги Астрономия парк ҳудудида гуллар боғи барпо этиш режалаштирилган. Бу жой аҳолининг маданий дам олиши, пойтахтимиз экологияси яхшиланиши учун яна бир омил бўлади.

Тақдиротда шахарлараро йўл инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Поп тумани билан Наманган шаҳри ўртасидаги автомобиль йўлини кенгайтириш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Президентимиз бу ҳудуднинг рельефини инобатга олиб, йўлни ҳайдовчиларга қўлай қилиб қуриш, инсонлар хавфсизлигини биринчи ўринга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КЎЗИ ОЖИЗ ВА ЗАИФ КЎРУВЧИ БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРДА ТАЪЛИМ БЕРИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрини ўқувчи” тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан кўзи ожиз ва кўришда нуқсонли бўлган болаларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишдаги ислохотларнинг изчиллиги ва тизимлилигини таъминлаш, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш, уларнинг жамиятга мослашувига қўмаклашиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Ички ишлар вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларини Ички ишлар вазирлигига бириктириш ҳамда уларни “Нурли маскан” ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари (кейинги ўринларда — “Нурли маскан” мактаблари) деб номлаш тўғрисидаги тасдиқлаш қарори билан:

Белгилансинки, Ички ишлар вазирлиги “Нурли маскан” мактабларига масъулларни бириктирган ҳолда:

сифатли таълим ва тарбия беришга, уларнинг маънавий шароитларини яхшилашга, шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга; ўқувчиларнинг жисмоний имкониятидан келиб чиққан ҳолда, уларни соғлом, маънавий ва жисмоний тарбиялашга ҳамда дунёқарашини

шакллантириш, спорт турларига қизиқтириш ва жалб этишга;

ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғулари шакллантирувчи маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишга доимий равишда қўмаклашади.

2. “Нурли маскан” мактаблари ўқувчилари хавфсизлигини таъминлаш, уларни соғломлаштириш ва реабилитация қилиш тадбирларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида:

а) Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда бошқа тиббий муассасаларнинг малакали шифокорларини жалб этган ҳолда, “Нурли маскан” мактаблари ўқувчиларини даволаш-соғломлаштириш ва реабилитация қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, “Нурли маскан” мактаблари ўқувчиларини даволаш-соғломлаштириш ва реабилитация қилиш тадбирлари учун харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) билан биргаликда бир ой муддатда “Нурли маскан” мактаблари ўқувчилари учун патронаж тизимини жорий этиш ҳамда даволаш-соғломлаштириш ва реабилитация қилиш тадбирларини амалга оширишни ўз ичига олувчи чора-тадбирлар тасдиқлаш тизимини таъминласин;

б) ўқувчиларга нисбатан тазйик ва зўравонлик ҳамда улар орасида ўз жонига қасд қилиш

ҳолатларининг олдини олиш бўйича профилактика ишларини тизимли йўлга қўйиш доирасида барча “Нурли маскан” мактаблари ҳудудида видеокузатув мосламалари ўрнатилиши таъминлансин ва улар тегишли ҳудудий ички ишлар органларига интеграция қилинсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) уч ой муддатда вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мазкур вазифани амалга ошириш бўйича манзилли чораларни белгилаб, ишларни якунига етказсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

а) “Нурли маскан” мактабларининг Брайль ёзувидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, бадий ҳамда болалар учун мўлжалланган адабиётлар, турли ихтисослик ва йўналишлардаги босма ва аудиокитобларга бўлган эҳтиёжи ҳар олти ойда ўрганилади ва шу асосда адабиётлар рўйхати шакллантириб борилади.

Бунда, шакллантирилган рўйхат асосида давлат бююртмасини эълон қилиш, адабиётларни ушбу йўналишдаги ихтисослашган, етарли моддий-техник базага ҳамда тажрибага эга бўлган матбаа корхоналарида нашр этиш ҳамда “Нурли маскан” мактаблари эҳтиёжидан келиб чиқиб, тақсимот асосида тарқатиш амалиёти йўлга қўйилди;

б) кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун белгиланган вилоят ва республика фан олимпиадалари битирувчи синфлар ўқувчилари учун алоҳида ташкил этилади;

▶ Давоми 2-бетда

Мутлолаа ҚАЛБНИ ЗИЁГА ТЎЛДИРАДИ II республика “Китобхонлик ҳафталиги” тадбирлари доирасида бу ўз тасдиғини топмоқда

Ҳукуматнинг 2020 йил 14 декабрдаги қарори билан ўтган йили апрель ойида “Китобхонлик ҳафталиги” илк бор ташкил этилиб, унга таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари жалб этилди. Ҳўш, бу йил ҳафталик қандай руҳда ўтади, деган саволга тадбир олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида тўлиқ маълумот берилди.



Режага мувофиқ, кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан бир қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида “Китобсевар миллат”

шиори остида ташкил этилаётган II республика “Китобхонлик ҳафталиги”га старт берилди.

Унда соҳа мутахассислари, атоқли шоир ва ёзувчилар, ноширлар, китоб-

хонлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Иккинчи бор ўтказилаётган ҳафталик барча ижодкор ва китобхонларга, соҳа мутахассисларига маъқул келади, деб ишонаман, — деди агентлик директори Асаджон Ҳўжаев. — Биз мазкур китоб байрами орқали ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришда китобнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича эришилган ютуқларни оммалаштиришни мақсад қилганмиз.

Мамлакатимиз бош кутубхонасидаги тантанавор руҳ, китобга яқинлик ҳисси тушдан сўнг пойтахт марказидаги “Magic City” истироҳат боғига кўчди. Дастурда бу йилги ҳафталик тадбирлари аҳоли гавжум жойлар, истироҳат боғларида ҳам ташкил этилиши назарда тутилган. Истироҳат боғининг соя-салқин йўлаклари, айниқса, рамзий “Регистон” майдони ҳафта мобайнида маданий-маърифий тадбирлар, турли тақдиротлар, китоб савдоси кўргазма-ярмаркалари, интеллектуал совринли викториналар билан янада чароғон, файзиёб бўлади.

Шунингдек, янги китоблар тақдироти, таниқли, ёш истеъдодли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар ёшларнинг китобхонлик маданиятини ўстириш баробарида уларда матбаачилик, ноширлик соҳаларига қизиқиш уйғотишда ҳам муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

▶ Давоми 6-бетда

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ



ОБОД БЎЛАЁТГАН МАНЗИЛЛАР, ЎЗ ҲАЁТИДАН МАМНУН ОДАМЛАР

Устюрт платосида ястаниб ётган манзил — Қорақалпоғистон... Нукус шаҳрига илк бор 1994 йилда борган эканман. Ўшанда “Ўзбекистон” телевидениесининг “Ахборот” дирекциясида энди иш бошлаган пайтларим эди. Мухбир сифатида Эллиқалъа, Тўртқўл, Амударё ва Беруний туманларига кўп борардим. Орол денгизи фожиасининг маркази саналган Мўйноққа ёки унга туташ туманларга эса, кўп ҳам борилавермасди. Назаримда, қандайдир тақик ва ички ҳадик бор эди ўшанда.

▶ Давоми 3-бетда

БУНЁДКОРЛИК

БЕШИНЧИ ГИГАНТ

“Uzbekistan GTL” мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янги босқичга кўтаради



▶ 4-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КЎЗИ ОЖИЗ ВА ЗАИФ КЎРУВЧИ БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРДА ТАЪЛИМ БЕРИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

в) “Нурли маскан” мактаблари ўқувчилари учун **ахборот технологиялари, хорижий тиллар, касб-хунар ва тадбиркорликни** ўргатиш бўйича ўқув курслари ташкил этилади.

Бунда, “Нурли маскан” мактаблари битирувчиларини **қисқа муддатли ўқув курслари орқали касб-хунарга ўқитиш** учун нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида **грант эълон қилинади** ва ўқиш билан боғлиқ харажатлар **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** маблағлари **ҳисобидан** тўланади;

г) **олий таълим муассасаларининг тегишли ихтисослиги ва йўналишлари бўйича Брайль алифбоси** асосидаги адабиётларни чоп этиш тизими йўлга қўйилади;

д) кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар учун **дарс-ликлар ва ўқув-методик мажмуалар чоп этувчи** нашриёт-матбаа корхоналари билан **декларация қилинган нархлар** асосида белгиланган тартибда шартномалар тузишга рўхсат берилади.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой** муддатда кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар учун ўқув ва баъдий адабиётлар чоп этиш **соҳасига хусусий сектор вакиллари**ни кенг жалб қилиш, уларга тегишли **имтиёзлар бериш орқали мазкур йўналишни ривожлантириш** бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожинов), Қўриқлиш вазирлиги (Б.Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар** “Нурли маскан” мактабларида **қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини бажаришни 2023-2025 йилларда** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритсин.

Белгилансинки:

а) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) томонидан Самарқанд шаҳридаги 59-сонли ва 60-сонли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатларида **2022 йилда қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун бир ой** муддатда тегишли маблағлар ажратилади;

б) **2022 йил сентябрдан бошлаб** “Нурли маскан” мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга ўргатиш ҳамда битирувчиларининг касб эгаллашини таъминлаш мақсадида муассасаларда **ўғил ва қиз болалар учун алоҳида замонавий жиҳозланган** ижтимоий ва маиший йўналишдаги мажмуа (ўқув устакхона)лар ташкил этилади;

в) “Нурли маскан” мактаблари 2022/2023 ўқув йилига қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан кўзи ожизлар учун мослаштирилган **махсус компьютер техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланади**.

Халқ таълими вазири **Б.Саидов** ва ички ишлар вазири **П.Бобожинов** мазкур бандда белгиланган

вазифаларни **самарали ва тўлақонли амалиётга татбиқ этиш бўйича шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин**.

5. Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда **уч ой муддатда** “Нурли маскан” мактаблари объектларини лойиҳалаш ва қуришга доир илғор хорижий стандартлар ва меъёрларни ўрганиб чиқиб, уларни қўллаш бўйича техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Қуйидагилар:

а) Ёшлар ишлари агентлиги **икки ой муддатда** маҳаллалардаги ёшлар етакчилари томонидан таълимга жалб этилмаган **кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар рўйхатларини маҳаллалар кесимида шакллантирсин** ва уларнинг Халқ таълими вазирлигига тақдим этилишини таъминласин;

б) Халқ таълими вазирлиги **уч ой муддатда** Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида:

кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни **тўлиқ таълимга жалб этиш** чораларини кўрсин;

кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни таълимга жалб этишда **алоҳида ёндашув-методикалари асосида** уй шароитида тахсил олувчиларни **махсус адабиётлар** билан таъминласин.

7. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг **инклюзив таълим олиши учун зарур шароитлар яратиш чораларини кўрсин**. Бунда:

уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни **умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларига юбориш имконини берувчи** тиббий кўрсатмалар рўйхатини қайта кўриб чиқсин;

2022 йил якунига қадар инклюзив таълим тизими жорий қилинган таълим муассасаларида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун **зарур шарт-шароитларни яратсин**, шу жумладан, уларни рельеф йўлакчалар, Брайль алифбоси асосидаги адабиётлар ҳамда махсус эшитиш мосламалари билан таъминласин;

ҳар йили камида икки маротаба инклюзив таълим тизими жорий қилинган таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари учун кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга таълим бериш бўйича **малака ошириш курсларини ташкил этсин**;

инклюзив таълим тизими жорий қилинган таълим муассасаларида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг **яқин қариндошларига улар билан бирга дарсларда қатнашиш** имкониятларини яратсин.

8. **2022 йил 1 июнга қадар** Андижон вилоятининг 16-сонли “Нурли маскан” мактабининг **буш турган биносид**а кўзи ожиз ва заиф кўрувчи

шахсларнинг меҳнат қилиши учун тажрибасинов тарикасида махсус **ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси** ташкил этилсин.

Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) билан биргаликда:

бир ой муддатда “Нурли маскан” мактабининг ўқувчилари учун ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг ишлаб чиқариш йўналишидан келиб чиқиб **махсус амалий-ўқув дарсларини ташкил қилсин**;

икки ой муддатда ўқув-ишлаб чиқариш корхонасини зарур **ускуналар, махсус жиҳозлар, иш қуроллари ва анжомлар билан таъминласин** ҳамда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни реализация қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов):

а) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2023 йил 1 январга қадар** Андижон вилоятининг “Нурли маскан” мактабидидаги **ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг натижаларидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа мактаб-интернатларида мазкур тажрибани жорий этишни** назарда tutувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон кўзи ожизлар жамаияти (Э.Нарпулатов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2023 йил 1 февралга қадар** жойларда ташкил этилаётган ўқув устакхоналарининг йўналиш ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, **касбга йўналтирувчи махсус ўқув режа ва дастурларни** ишлаб чиқсин;

в) **2022/2023 ўқув йилига қадар** “Нурли маскан” мактаблари ўқувчиларининг эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиқиб, уларда **“Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармок тўғарақлари фаолиятини** йўлга қўйсин;

г) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** “Нурли маскан” мактаблари учун ўзбек нутқ синтетизатори ва бошқа семантик-эшитиш воситалари билан ҳаммаҳанг равишда **миллий дизайндаги махсус компьютер дастурларини** яратсин ва ўқув жараёнига татбиқ қилсин.

Бунда, миллий дизайндаги махсус компьютер дастурларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Халқ таълими соҳасида ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

д) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда **2022/2023 ўқув йилига қадар** 1-синф ўқувчиларига белгиланган тартибда ажратиладиган **“Президент совғаси” таркибига кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун** махсус ўқув қуроллари ва тўпалмлар рўйжа-

тини шакллантирсин ва тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда:

бир ой муддатда “Нурли маскан” мактабларининг паралимпия спорт турлари билан шугулланишда **зарур бўладиган спорт асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва бошқа инвентарларга бўлган эҳтиёжини** аниқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда чет эл тажрибаси асосида тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан “Нурли маскан” мактабларининг **спорт зали ва спорт майдонларини халқаро меъёрлар асосида жиҳозласин** ҳамда зарур махсус спорт инвентарлари билан таъминласин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар ҳамда таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болаларнинг ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда **паралимпия спорт турлари** (дзюдо, футбол, енгил атлетика) билан мукамал шугулланиши учун спорт гуруҳларини ташкил қилсин ва ушбу мактабларга ўқувчиларнинг спорт турларига қизиқишидан келиб чиқиб, **малакали тренерлар жалб қилинишини таъминласин**.

11. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** “Нурли маскан” мактабларида санъат (музыка) йўналишини ривожлантириш, **ўқувчиларнинг санъат йўналишидаги иқтидорларини рўёбга чиқариш мақсадида уларни худудлардаги музика ва санъат мактабларига бириктирсин**.

Белгилансинки, болаларнинг санъат ва музикага қизиқишини ошириш мақсадида “Нурли маскан” мактабларида **“Доирачилик”, “Дуторчи қизлар”, “Фольклор” гуруҳлари ташкил қилинади**.

12. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2022 йилда Самарқанд шаҳридаги **59- ва 60-сон** “Нурли маскан” мактаблари худудида ушбу муассасаларнинг чекланган штат бириқилари доирасида кўзи ожиз болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида **махсус ўқув дастурлари асосида бир йиллик муддатли тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2022 йил 1 октябрдан бошлаб** “Нурли маскан”

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

Хавотир ва ҳадиклар ортда қолди

Фаргона вилояти ҳокимлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят филиали ҳамда Россиянинг “Ресурс плюс” қурилиш компанияси ўртасидаги келишувга қўра, хорижда ишлаш истагидаги фуқаролар иш билан таъминланмоқда.

— Утган йилнинг ўзид

900 дан ортиқ қурувчи ҳамкорлик доирасида ишга юборилди, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Фаргона филиали бош мутахассиси Баҳромжон Ҳайдаров. — Сувоқчи, сантехник, бўёқчи, электр пайвандчилар иш берувчининг молиявий кўмағида “Ишга марҳамат” мономарказидаги қисқа ўқув курсларида малака ошириб, мувофиқлик сертификати олди. Улар ойлик маош, ишлаш учун рухсатнома, уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминлананди.

Барча сарф-харажатлар иш берувчи томонидан молиялаштирилди. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят филиали ходимлари уларнинг белгиланган иш жойларига етиб бориши ва иш билан таъминланишини назоратта олган.

Фаргона туманидаги Чимёй қишлоғида яшовчи Аҳмадёр Топилов Пермь ўлкасига ишлаш учун йўл олган ёшлардан.

— Тайинли хунарингиз бўлмаса, хорижда ишлаш жуда мушкул, — дейди Аҳмадёр. — Кафель териш, сувоқчилик, сантехника ишларини бажараман. Бир неча йил хорижда ишлаганман. Ҳақ-хўқуқларимизни ҳеч қим ҳимоя қилмасди. Оғир шароитларда яшаш ва ишлаш силламизни қуритган. Хавотир ва ҳадик билан кун ўтказардик. Туман бандлик бўлими тавсияси билан мономарказда сувоқчилик ва сантехника йўналишида қисқа ўқув курсларида малака ошириб, сертификат олдим. Энди кафолатли иш, турар жой, тиббий хизмат, меҳнат муҳофазаси, иш стаж

сингари имтиёзлардан фойдаланяпмиз. Аҳоли бандлигини таъминламай туриб, умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Шу боис, сўнгги йилларда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фаргона вилояти мисолида оладиган бўлсак, биргина ўтган йил давомида “Темир дафтар”га қиритилган 92,5 минг фуқаро муқим иш жойларига эга бўлди. Энг муҳими, бу борадаги ислохотлар жорий йилда ҳам бардавом.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

БАНДЛИК

Фаргона шаҳар саноат касб-хунар коллежида “Ишга марҳамат” мономаркази ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бу ерда таҳсил олиб, тайинли касб эгаси сифатида иш бошлаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Сабаби, яратилган имкониятлар ишловчи ва иш берувчиларни бир мақсад сари бирайлашишга ундамоқда. Қолаверса, мономарказда Швейцариянинг “Globogate Recruiting GmbH” рекрутинг агентлиги билан тиббиёт соҳаси бўйича ўрта бўғин ҳамшираларини Швейцария, Германия ва Европанинг бошқа давлатларига ишга жойлаштириш бўйича имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида ўқув курслар ташкил этилди.

— Мономарказда 16 та касб-хунар бўйича ўқитиш йўлга қўйилган, — дейди мазкур муассаса директори ўринбосари Хусанбой Собиров. — Шу кунга қадар ўқув курсларни тамомлаган 510 нафар тингловчининг бандлиги таъминланди. Масалан, биргина пайвандчилик йўналишида 200 дан ортиқ мутахассисга мувофиқлик сертификати берилди. Уларнинг 50 нафари Россиянинг “Пик индустрия” қурилиш компанияси танловида иштирок этиб, хорижда ишлаш йўлланмасини қўлга киритди. Йўлланма эгалари 10 миллион сўмгача маош олади, ётоқхона, тиббий хизмат имкониятларидан фойдаланади.

Пайвандчилик устакхонасида бўлди. Бу ерда назарий билимлар амалиёт билан уйғунлаштирилиб, барча зарур шароитлар яратилган. Ишлаб чиқариш таълими раҳбари Машхурбек Усмонов бир гуруҳ ёшларга электрогаз пайвандлаш бўйича амалий машғулотлар ўтати. Тингловчиларнинг аксарияти “Ёшлар дафтари”га киририлганлар. Улар уч ой давомида назарий ва амалий жиҳатдан касб сирларини ўрганиб, малака сертификати олгандан сўнг мустқил иш бошлади.

— Фаргона шахрида яшайман, — дейди Шукржон Турғунов. — Бу ерда пайвандлашни ўрганияпман. Маҳалла фуқаролар йиғини таклифи билан менга пайвандлаш ускунаси ва болгарча берилди. Энди ўқиш ва амалиётдан ажралмаган ҳолда, мустқил ишлаш ва қўшимча даромад топиш имкониятига эгаман.

Фаргона туманида касб-хунарга ўқитиш, Марғилонда эса қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази ишга туширилди. Утган йилнинг ўзид

а мономарказ ҳамда касб-хунар марказлари ва қисқа муддатли курсларда хорижда ишлаш истагидаги 4 мингдан ортиқ фуқаро ўқитилди.

Қўқон механика заводи ҳузуридаги касбга ўқитиш инновация марказида пайвандчилик, металга механик ишлов берувчи, электромонтажчи, фрезерловчи ва дастурчиларни тайёрлаш йўлга қўйилиб, дастлабки гуруҳларда 75 нафар фуқаро ўқишга жалб қилинди

— Президентимизнинг “Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида вилоятнинг 115 та худудида маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди, — дейди вилоят, биргина пайвандчилик йўналишида 200 дан ортиқ мутахассисга мувофиқлик сертификати берилади. Уларнинг 50 нафари Россиянинг “Пик индустрия” қурилиш компанияси танловида иштирок этиб, хорижда ишлаш йўлланмасини қўлга киритди. Йўлланма эгалари 10 миллион сўмгача маош олади, ётоқхона, тиббий хизмат имкониятларидан фойдаланади.

Пайвандчилик устакхонасида бўлди. Бу ерда назарий билимлар амалиёт билан уйғунлаштирилиб, барча зарур шароитлар яратилган. Ишлаб чиқариш таълими раҳбари Машхурбек Усмонов бир гуруҳ ёшларга электрогаз пайвандлаш бўйича амалий машғулотлар ўтати. Тингловчиларнинг аксарияти “Ёшлар дафтари”га киририлганлар. Улар уч ой давомида назарий ва амалий жиҳатдан касб сирларини ўрганиб, малака сертификати олгандан сўнг мустқил иш бошлади.

Қўғирчоқлар онлайн савдо платформасида сотилмоқда

Фаргона туманида маҳалла аёллари тайёрлаётган қўғирчоқлар “Амазон” онлайн савдо платформасида сотилмоқда. “Садош” бренди остида қўғирчоқлар тайёрлашни йўлга қўйган тадбиркор Садоқатхон Мирзаеванинг иш фаолиятини ташкил этишида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган 200 миллион сўмлик субсидиянинг ўрни катта бўлди.

Каштачилик, қуроқчилик, қўғирчоқ ва уйинчоқлар тўғр

и сир-синоатларини яхши эгаллаган тадбиркор ташаббуси билан маҳалладаги 50 дан ортиқ ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди. Табиий ҳомашёлардан тайёрланган махсулотлар ички ва ташқи бозорда харидордир. Қисқа фурсатда “Амазон” халқаро онлайн савдо платформасида 3 мингдан ортиқ қўғирчоқ сотилди.

— Кооператив ташкил этиб, 250 та янги иш ўрни очдик, — дейди тадбиркор. — Ҳозир умумий қиймати 1 миллиард сўмлик янги лойиҳа устида

ишляяпмиз. У рўёбга чиққач, бу кўрсаткич йилига 3 миллиард сўмга етиши баробарида қўллаб янги иш ўринлари очилади.

Тадбиркор ташаббуси билан “Шоҳи-мардонсой” МФИдаги буш турган бинода “уста-шогирд” анъанаси асосида хунар маскани ташкил этилди ва 30 нафар хотин-қиз кооператив аъзоси бўлди.

— Тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш, кредит олишда суғурта полиси тўловчи ҳамда иш берувчилар томонидан меҳнат органлари йўлланмаси орқали ишга қабул қилинган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг 1042 нафарига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 536,1 миллион сўмлик субсидиялар берилди, — дейди бандлик бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Баҳодир Акбаров. — Худудлар иқтисослашувидан келиб чиқиб, тикувчилик, кўёнчилик, паррандачилик ва асаларичилик йўналишларида кооперативлар ташкил этилмоқда. Шу кунга қадар жамғарма томонидан 1614,1 миллион сўмлик субсидия ажратилди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Қорақалпоғистонда хизмат
кўрсатган журналист**



Туманлар, овуллар орасидаги масофа олис. Бир тумандан бошқасига бор-гунча соатлаб йўл босасиз. Қўнғирот туманининг ўзини айтмасизми, бир ҳафта юрсангиз ҳам поёнига етолмай-сиз.

Уша сафарлар билан боглиқ яна бир хотира. Сафарларимиз давомиде бизга ўша вақтинг кулай автоуловли — “РАФ” бериларди. Биласизки, уларда кондиционер бўлмагача, ойнани очардик, аммо барибир лардани хилпирайтиб, чўлининг иссиқ тафти уфуриб турган. Машиналарнинг йилдираги ва амортизатори “Волга”ники бўларди. Керакли манзилга етиб боргунча йўлларда унча-мунча чуқурларга ҳам тушиб чиқардик. Ёш бўлганимиз учун булар бизга саёхатнинг ажралмас романтикаси бўлиб туюлган. Аслида эрталардаги “одам юрса оёғи, куш учса қаноти куйдагн” манзилларга монанд, юзлаб километрга чўзилган йўллар, саробдай ястанган чўлу даштларда бирор дарахт учраб қолсайди, деган ширин орзу билан энтиқиб кетаварсиз. Соялар ҳақида ўйлайсиз. Мана шу ўй кўнглингизга бир оз таскин беради. Бироқ йўл бўйи дарахт тугул бирор бутани ҳам учратмайсиз, учраган битта-яримта бутта ҳам қуриб-қовжираб қолган бўлади.

Боя айтганимдек, қорақалпоқ эли билан болгич хотиралар күп. Уйлаган сари бир-бирига яқин манзаралар, бир-биридан фаркли воқеалар кино-тасмадек күз олимдани ута бошлайди. Иүүлр тугамайди. Чақиримлаб, соат-лаб қоравресиз, ўзингизни номаълум сайёрага тушиб қолгандек сезасиз. Чунки ёз фаслида тупроқ кўрган кўзга оппоқ либос кийгандек кўринади. Жазирама ёзда қаҳратон киш манзараси. Бошингизда кувш қиздираётганини ҳисобга олмаса, ерни қор қоплабди, дея уйлашингиз табиий. Аслида эса, бу кургин Орол тубидан кўтарилган тўз эди. Ер устида шунча тўз бўлса, тасаввур қилинг, инсон жисмида, унинг ички аъзолари, ўлкасида бу тузининг қанча зарриси тўлганган?

Орол туби саксовулзорга айланди

Совет тузуми даврида минтақамизга нисбатан адолатсиз қараш бўлди, одамларнинг қисмати, уларнинг ҳаёт тарзи, минтақанинг келажагига эътибор билан қаралмади. Социалистик лагер учун керак бўлган пахтанинг асосий қисми Ўзбекистон ҳудудига етиштирилди. Бу жараёнда бизнинг манфаатларимиз ҳисобга олинмади. Натижада сувимиз чўлга кетди. Аҳолиси 194 мингдан ортиқ бўлган, марказ таъминотидаги жуда ривожланган Мўynoқ каби катта шаҳарлар чўлга айlandи. Орoнли йиллар давoмида йўқoтдик ва бу жoда катта экологик фaлoкaтни кeлтириб чиқарди. Афсуcки, 1990-йилларда Ўзбекистон Уссуамиси билан якка-ёлғиз қолди.

У вақтлар моддий аҳолимиз оғир эди, уни тиклаш, муаммоларга қарашга кучимиз етмасди. Мустақилликдан кейинги қарийб 25 йил давомида ҳам биз бу мавзуда тушқун кайфиятда бўлдик. Биз Оролга муаммолар гирдобидоги минтақа, имкониятсиз ўлка, ёрдам бериб бўлмайдиган ҳудуд сифатида қарадик. Бу масалادا доим



хориждан ёрдам кутиб, вақтимизни беҳуда ўтказдик. 2016 йилдан эса бил-диқки, бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким ёрдам беролмайди, денгиз чекимсиз ҳам одамлар чекинмаслиги кераклигини аңладик. Орол муаммосининг ечимига нисбатан нуқтаи назаримиз ўзгарди.

Орол тубидан кўтарилаётган туз ҳатто дунёнинг шимолидаги музликларгача етиб бораётгани, ҳавога кўтарилган туз барча минтақаларда бошимизга тузли ёмғир бўлиб ёғаётганини англаган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг илк кунлариданок мақсад сифатида Орол тубидаги туз юзюкорига қўйрилмаслиги учун чора кўриш вазифасини қўйди. Демак, илжо бор экан. Унга яқин боришга, ҳис қилишга кўнглимизда умид ва ишонч пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси
ана шундай қўр олди. Аввало, Орол
тубига саксовул экилди. Саксовул ўз
атрофидаги ўн тоннагача бўлган кум
ва тузни ушлаб тура олади. Туз су-
вубида қолғач эса, бир ерда ҳаёт пай-
до бўлади, кислород миқдори ортади,
қорва, ҳайвонот олами юзага келади,
ривожланади. Шу жиҳатларни эъти-
борга олган ҳолда айтиш мумкинки,
ҳақиқатан ҳам катта иш қилинди —
Оролга ҳаёт қайтди.

Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қорлпиимиз, ўша Орол тубидаги уч миллион гектарга яқин ҳуудуда бугун янги ҳаёт пайдо бўлди, одамларнинг пули кирди, ёпилган ошхоналар очилди. Бугун Мўйноққа келган одам уни танимайди, ҳозир у ерда замонавий интернет, замонавий китоб-кафе бор, ҳаммаси соз, шароитлар жуда яхши. Маҳаллий аҳоли билан сузатсангиз, аввалги "қуним ўтса бўлди", деган тушун қайфият йўқ. Одамлар кун кўра бошлаганидан мамнун. Мўйноқдаги

ўзгариш уларнинг руҳини кўтарди,
яшашга иштиёқ уйғотди.

Биз анча йиллар Мўйноқни "Кемалар қабристони", дея атаб келдик, кўп йиллар унинг учун мотам тулдик. Лекин тушундикки, янги авлод ўсиб келяпти, биз улари бу тушунқ кайфиятда улғайтира олмаймиз, уларнинг гарданига ўзимизнинг йиллар давомида имконсиз, деб ҳисоблаган муаммоларимизни қўёлаймиш. Демак, биз ечимнинг янги йўллари, янги имконини излашимиз керак эди. Гарчи бу катта экологик муаммони тўлиқ ҳал қилолмасак-да, биз янги марралар сари йўл солиш, янги мақсад ва режаларни амалга оширишга чоғландик. Президентимиз очган янги йўл халқни янги манзил томон бошлади. У ерда қисман бўлса-да, бу фохиа оқибатларини камайитиришга уриняпмиз. Энди Мўйноқ "Кемалар қабристони" эмас, ўз рамзлари, куранти, аэропорти, яшил масканлари, саксовулзорлари бр муҳташам гўша. Энди Мўйноқда ҳаёт кайнамоқда.

Янгиланаётган Кегейли ёхуд Қозоғистондан қайтаётган келинлар

2022 йилги Давлат дастурига кўра, 840 миллиард сўм марказлашган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистонда жами 2 минг километр сув, йўл, газ, электр тармоқлари, 51 та мактаб, боғча, шифохона, маданият ва спорт объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилган.

Шунингдек, жорий йилда давлат бюджетидан Қорақалпоғистонга таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма соҳалари учун қўшимча 545 миллиард

**ОРОЛБЎЙИНИ БИРГАЛИҚДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУМАНЛАРИ МУАЙЯН
ВИЛОЯТЛАРГА БИРИКТИРИЛГАН**

№	ҲУДУД НОМИ	БИРИКТИРИЛГАН ВИЛОЯТ
1	Нукус шаҳри	Тошкент шаҳри
2	Бўзатов тумани	Фарғона вилояти
3	Қонликўл тумани	Сирдарё вилояти
4	Қоракўзак тумани	Наманган вилояти
5	Кегейли тумани	Анджон вилояти
6	Қўнғирот тумани	Қашқадарё вилояти
7	Мўйноқ тумани	Тошкент вилояти
8	Нукус тумани	Самарқанд вилояти
9	Тахиятош тумани	Сурхондарё вилояти
10	Тахтакўпир тумани	Жиззах вилояти
11	Хўжайли тумани	Бухоро вилояти
12	Чимбой тумани	Навоий вилояти
13	Шуманай тумани	Хоразм вилояти

“

КЕГЕЙЛИ ТУМАНИДАГИ УЧРАШУВИМИЗ СПОРТ
ИНШОТИДА ТУАДИ ВА БИРДАНИГА КАРНАЙЛАРДАН
“АНДИЖОН ПОЛКАСИ” ЯНГРАДИ. МЕН ҲАМ БУ МУСИҚАГА
БЕФАРҚ ҚАРАБ, ЖИМ ТУРОЛМАДИМ. ГАРЧИ ЎЗИМНИ
ЖИДДИЙ ОЛИБ ЮРСАМ ҲАМ, МАМЛАКАТИМИЗДА
БЎЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ЗАВИҚДАН ЎЗИМНИ УШЛАБ
ТУРОЛМАЙ, РАКСГА ТУШИШ КЕТДИМ.



сўм ажратилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан, 13 та бочка, 24 та мактаб, 7 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 211 километр ичимлик сув тармоғи, 442 километр узунликдаги йўл қуриш ва қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича манзилли рўйхат тасдиқланган. Рақамлардан мамлакатдаги ўзгаришлар қўлами кенг эканини тушуниш кийин кўмас.

Биз Халқаро пресс-клуб жамоаси билан Қорақалпоғистондаги бир хонадонга кирдик. Уйнинг фойзи бор экан: ҳовли саҳидаги тандир, сигир-бузоқ, қўй-қўзи — барчасида хонадон аҳлининг саришталлиги сезилади. Аввал бу ерларни тарк этиб, қўчиб кетиш қайфиятида юрган одамлар энди Мўйноқнинг тупроғида астойдил илдиз отишни ўйлайди.

Яна бир хонадонга бўйладик. Уйда таъмирлаш ишлари кетаётган экан. Хонадон бекаси Бегайим Турдумбекова ҳаётидан мамнун, у бизга берган интервьусида фарзандлари ўз худудида бўш иш ўрни йўқлиги тудайли бу ерларда пул топа олмагани, сўнг Қозғоғистонга кетишга мажбур бўлганини айтди. Бирдан юзига табассум югуриб: "Президентимиз ташрифидан сўнг иш ўринлари очилди, шуқр, фарзандларим яна бағримга қайтди, келинларим ҳам", деди кўзига ёш олди. Бу шунчаки, қувонч ёшлари эмас, неча йиллик изтироблар тугаб яхши кунлар бошлангани мумдаси, фарзанду неваралар соғинчанинг адоғи — дийдор яқинлиги хаёти, энг муҳими, янги ҳаёт шўқронаси. Бегайим опа каби олаолма наларнинг кўзи қувончдан пўзмаккла.

— Ҳуудимизда кутубхона барпо қилинди, йўлларимизга бетон қоплама ётқизилмоқда. Бетоннинг яхши жиҳати, Қорақалпоғистонда ёғингарчилик бўлса, бетон йилдан-йилга мустаҳкам бўлиб боваради. Хонадонларимизга чорва кирди, ишимизга, ҳаётимизга

барака келди. Кўз тегмасин. Янги
иш жойлари очилиб, қанчадан-қанча
ёшлар, бекор юрган одамлар ишга
бўлапти. Президентимиз яна кел-
сайди, у кишига, албатта, раҳмат
айтаман. Фарзандларим Қозғистон-
дан баргимага қайтди, ўзимиздан иш
топди, ҳаётимиз кундан-кунга яхши
тарафга ўзгариб бормоқда, ҳозир
мендан бахтли одам йўқ, — дейди
қаҳрамонимиз.

“Андижон полкаси”нинг завқиди

Қорақалпоғистон шимолда жойлаш-
гани учун ҳам ёгингарчиликларга бой
Биз Халқаро пресс-клуб жамоаси би-
лан тасвирга олиш учун борган кун-
миз эса, дарахтлар энди куртак ёзиб
гуллаган пайт экан.

Кегелги туманидаги учрашувимиз спорт иншоотида тағуди ва бирданига карнайлардан "Анджон полкиси" янгради. Мен ҳам бу мусиқага бефарқ қараб жим туролмадим. Гарчи ўзимни жиддий олиб юрсам ҳам, мамлакатимиздада бўлаётган узғаришлар заведдан ўзимнинг ушлаб туролмай, рақсга тушиб кетдим. Йигилганларнинг барчаси лавозими ёшига қарамай бир-бирига қўшилиб ўйнади. Чамаси саксон ёшларни қоралаб қолган отахон ҳам ёшлар даврасига қўшилди. Шундай эшқ билан ўйнадики, барчамиз олқишлашга тушдик. Отахонга андижонликлар андижонча дўппи кийгизди. Чуст пичони совға қилди.

Мен шига амин бўлдимки, бизнинг серкўш ўлкамизга меҳмондўстлик меҳмоннавозлик ярашади, меҳмон келган жой обод бўлади, файзу бахт рақа тўлади. Қорақалпоқларнинг бир оdatи бор: уйда охириг жонлиқ бўлса ҳам улуғ меҳмон шарафига қурбонлиқ қилиди. Бу ҳам халқнинг меҳмондўстлиги, самимий меҳр-оқибатидан далолат. Биз қорақалпоқ элини Бердақ ва Ажиниёз эли деймиз, уларни бамисоли Қорақалпоқ Навойиси, деб биламизми. Аммо энди шун элда яна бир сим янграйди, бу — Захриддин Мухаммад Бобур. Бобур бобориш шарафига бу ерда кутубхона барпо этилди. Кутубхонада ўзбек, қорақалпоқ, рус тилидадан мингдан ортиқ китоблар тўплами бор.



Бу элга шу галги сафаримдан хуло-сам шуки: бугунги Қорақалпоғистонга қарасак, уни том маънода бутун Ўзбекистон иштирок этаётган катта қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин.

Дарвоке, энди у ерга саёхатга отлансангиз, завку шавқга тўлиб бораверинг. Бугун қарқоқ чўллара чўл оралаб кетган йўллар бўйлаб яшил ҳудудлар, ўрмонлар пайдо бўлмоқда. Суғориш тизими йўлга қўйилди, катта-катта қурилиш майдонлари бар ерда қад кутарган муҳташам биноларнинг давомин ўлароқ, янги иншоотлар қурилишидан дарах бермоқда. Ҳар бир ҳудудда инш қайнайди. Бугун Қорақалпоғистон, Ўзбекистоннинг энг катта ҳудуди сифатида ўзгариш ва янгиланишда, ривожланишда давом этмоқда.

“

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХУДУДИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
34 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ТУМАНЛАР, ОВУЛЛАР
ОРАСИДАГИ МАСОФА ОЛИС. БИР ТУМАНДАН
БОШҚАСИГА БОРГУНЧА СОАТЛАБ ЙЎЛ БОСАСИЗ.
Қўнғирот туманининг ўзини айтмайсизми,
бир ҳафта юрсангиз ҳам поёнига етолмайсиз.





БЕШИНЧИ ГИГАНТ

“Uzbekistan GTL” мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янги босқичга кўтаради

Кенгликлардан иборат сахро ўртасидаги асфальт йўлдан бораркансиз, унинг адоғи кўриной демайди. Йўлнинг равонлиги эса ҳар қандай ҳайдовчининг ҳавасини оширади. Завқингиз ортиб, бепоеъ далаларга боқасиз. Йўлни босиб ўтавераркансиз, далаларнинг ортида узокдан баланд, бир-бирига туташ, анчагина жойни эгаллаб турган мажмуага кўзингиз тушади. Чўлнинг қоқ ўртасидаги бундай замонавий иншоотни кўриб, сароб бўлса керак, деган ўйга боргувчилар ҳам топилиши мумкин. Аммо ундай эмас. У аини пайтда дунёнинг бешинчи гигант корхоналаридан бири — “Uzbekistan GTL” заводи.

Бир кун келиб бу жойлар бўстонга айланишини тахмин қилиш ҳам мушкул эди. Дарҳақиқат, инсоннинг қўли-гул, деганларидек, кенглик ўртасида ўзига хос замонавий завод қурилиб, атрофи гўзал шаҳарчага айлانган.

Ўзбекистон замон билан ҳамнафас бўлиб, табиий газ каби қimmatбаҳо хомашёдан ички ва ташқи бозорларда юқори қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун муҳим йирик объектларни яратмоқда. Биз сўз юритмоқчи бўлган янги Ўзбекистоннинг мазкур янги саноат мажмуаси ҳам шулар жумласидан.

“Uzbekistan GTL” заводи Ғузор туманидаги “Шўртангазкимё” мажмуаси яқинида қад ростлаган. Мазкур йирик саноат корхонаси Нигерия, Жанубий Африка, Малайзия ҳамда Қатар давлатларидаги каби метан газидан синтетик суюқлик ишлаб чиқарувчи санокли заводлар қаторидан жой олди. Аини пайтда бу ердаги қувватлар босқичма-босқич ишга туширилмоқда.

Тартиб биринчи ўринда

Заводга кириб борарканмиз, бу ерда фаолият юритаётганларнинг асосий қисми ёшлардан иборат эканлиги гувоҳ бўлди. Ҳар бир ходим ўз иши билан банд. Бекор ўтирган кишига кўзингиз тушмайди. Ўзини умумзавад хўжалиги муҳандис-технолог деяр таништирган Бобур Садоватов ичкари томон бошлади.

— Ишимизда энг биринчи талаб — тартиб-қоидага қатъий амал қилиш, — дейди Бобур. — Заводимизда турт босқичли иш режими ташкил қилинган. Биринчи навбатда, заводимиз ўз-ўзини электр билан таъминлашга мўлжалланган. Ходимларга барча шароитлар яратилган. Шунингдек, ўқув хоналари мавжуд бўлиб, ёш мутахассислар илк малакасини оширади. Ўқув хонасида тажрибали мутахассислар ёш кадрларга касб сирларидан сабоқ беради. Белгиланган имтиҳонлардан ўтганлар ўз йўналиши бўйича ишга йўналтирилади.

Заводимизнинг бошқарув пулти энг масъулиятли ишлардан бири саналади. Ҳозир тўртта бошқарув пулти мавжуд. Шу ердан туриб, муҳандислар қузатув олиб боришади.

Энг асосийси — билимга таяниш

Завод фаолияти билан танишиш чоғида бизни қувонтирган бир жиҳат — бу ўзбек ёшлари хорижлик мутахассислар билан бемалол икки-уч тилда гаплашиб, иш олиб бораётгани бўлди.

— Соҳамизда биринчи навбатда, тил билиш муҳим, — дейди Ишга тушириш ва эксплуатацияни бошқариш бўлими бошлиғи Носирбек

Зокиржонов. — Боиси, ҳозир ҳам корхонамизда хорижлик мутахассислар кўп. Улар билан бирга ишлаш, иш ўрганиш, технологияларни бошқариш учун тилни мукамал билиш зарур. Хабарингиз бўлса, заводимизга Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Хитой каби 24 та давлатдан 130 га яқин ускуна келтирилиб, ўрнатилган. Бу ҳар бир хорижий корхона ходими иш тўлиқ бошланиб кетгунга қадар шу жойда фаолият олиб боради, дегани. Улар шу вақт мобайнида ўзимизнинг мутахассисларга дастгоҳлардан фойдаланиш тартибини ўргатиб боради. Агар чет тилини билмасангиз, касб сирларини ўзлаштири олмай қолишингиз табиий.

Асосий вазифамиз — техник назорат. Ўта масъулиятли иш бўлганлиги боис, ҳар бир ходимдан хушёрлик талаб этилади. Бугунги кунда 1300 нафарга яқин киши бу ишларга жалб этилган. Асосий бошқарув аппаратида

300 нафарга яқин мутахассис фаолият олиб боради, барчаси тажрибали. Бу ерга ишга келишдан олдин улар шу соҳада маллака оширган. Жумладан, деярли кўпчилиги Устюрт газ қимё мажмуасида иш олиб борган. Шу боис, бу ерда ишга тезда киришиб кетишди. Ўзим ҳам ўша жойда малакага эга бўлганман.

Жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар

Бу ерда GTL технологиясини (газдан суюқ ёнилғи олиш) қўллаган ҳолда, ҳар йили 3,6 миллиард куб метр газ қайта ишланади ва йилига 1,5 миллиард тонна юқори сифатли ва экологик тоза синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқарилади. Жумладан, 307 минг тонна синтетик керосин, 724 минг тонна синтетик дизель ёнилғиси, 437 минг тонна синтетик нафта ва 53 минг тонна суюлтирилган газ маҳсулотлари тайёрланади. Кейинги пайтда тобора ўсиб бораётган энергия манбалари бозорини хисобга олган ҳолда GTL ёнилғисидан фойдаланиш ҳаво чиқиндиларини камайтиришнинг энг самарали, тежамкор ва хавфсиз усулларидандир.

GTL синтетик суюқ ёнилғи заводи ўз қўлами бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг йирик инвестиция лойиҳаларидан биридир. Лойиҳа мамлакатимизнинг табиий газни чуқур қайта ишлаш салоҳиятини кенгайтириш, углеводород хомашёси импортини тубдан камайтириш, шу-

нингдек, юртимизнинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Хомашё сифатида табиий газдан этан, пропан, бутан ва бошқа компонентларни чиқариш орқали турли полимер маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи “Шўртангазкимё” мажмуасида қайта тозаланган табиий газнинг бир қисмидан фойдаланилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, GTL заводида ишлаб чиқарилган нафта-полимер маҳсулотларини кўпайтириш учун “Шўртангазкимё” мажмуасининг объектларига қайта ишлаш учун юборилади ва шу орқали ягона газ қимё кластери яратилади.

Инновацион технологиялар туфайли қайта ишланган газдан хариддор-гир ва юқори қўшимча қийматга эга, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

“Uzbekistan GTL” заводи маҳсулотлари, биринчи навбатда, юртимизнинг нефть маҳсулотлари, айниқса, дизель ёнилғиси, керосин ҳамда суюлтирилган газга ички эҳтиёжини қоплаш учун маҳаллий бозорга етказиб берилади. Бундан ташқари, халқаро бозорларда синтетик ёнилғига бўлган талаб катталиги ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати юқорилиги ва экологик жиҳатдан тозаллиги туфайли уларни қўшни давлатларга экспорт қилиш имкониятини ҳам яратаяди.

Шунингдек, заводда электр энергияси билан таъминлаш масаласида ҳам инновацион ечим қўлланган. Гап шундаки, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ортиқча буг ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шу боис, корхона ўз фаолияти учун зарур бўлган электр энергиясини ишлаб чиқаришдан ташқари қўшимча ҳажмининг зарур ҳолларда миллий электр тармоғига ҳам етказиб беради.

Лойиҳанинг молиялашув жараёни

Ҳар қандай инвестицион лойиҳанинг молиявий модели унинг жозибадорлигини кўрсатиб берувчи асосий восита ҳисобланади. Чунки молиявий модель лойиҳанинг рентабеллиги, ўзини оқлаши, жалб қилинаётган кредитларни ўз вақтида қайтариш имконияти ва шу каби потенциал кредиторларни қизиқтирадиган муҳим саволларга жавоб беради. Сармоядор юқоридаги саволларга жавоб топа олмагани лойиҳага маблағ киритиш ёки киритмаслик борасида қарор қабул қилади.

“Uzbekistan GTL” лойиҳасининг молиявий модели дунёнинг етакчи консўльтантларидан бири — “ING Bank” (Нидерландия) билан ҳамкорликда

“Барибир шу ерни танлаган бўлардим”

Марсель Юрген Краузе (Канада), “Uzbekistan GTL” заводи техник директори

— Икки йиллик шартнома асосида компанияда иш бўладим. Бундан аввал Қатардаги “GTL” да ўн йил фаолият юритдим. Улар билан таққослайдиган бўлсам, қувонарли томон бу ерда ёшларга катта ишонч билдирилган. Уларда ишга чанқоқлик, қизиқувчанлик юқори.

Иқлим жиҳатидан ҳам анча қулай. Менга маъқул келди. Шунингдек, кўпинча журналистлар мендан: “Атрофингиздагиларнинг барчаси ёшлар, ўзбек ёшларининг бу соҳага интилишини қандай баҳолайсиз”, дея сўрашади. Ростки, мен бу ердаги юракдан ишлайдиган, доим изланишда, масъулият билан ёндашиш ҳаракат қиладиган инсонларни бошқа жойда кўрмаганман. Ҳозир ҳам бемалол айта оламан, ҳар қандай вақтда шу ердаги ёш мутахассислардан бирини ишонч билан ўз ўрнимда ишлашга қўқмасдан тавсия қила оламан. Ва улар бир-икки нафар эмас, балки кўплаб топилади. Яна бир гап, агар менга Қатар ёки



GTL СИНТЕТИК СУЮҚ ЁНИЛҒИ ЗАВОДИ ЎЗ ҚЎЛАМИ БЎЙИЧА НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА, БАЛКИ БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИДАН БИРИДР. ЛОЙИХА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАБИЙ ГАЗНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ, УГЛЕВОДОРОД ХОМАШЁСИ ИМПОРТИНИ ТУБДАН КАМАЙТИРИШ, ШУНИНГДЕК, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНЕРГЕТИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН.

ишлаб чиқилди ва потенциал кредиторларига лойиҳага доир бошқа ҳужжатлар билан бирга ўрганиб, таҳлил қилиш учун тақдим қилинди.

Натижада Хитой Давлат тараққиёт банки 1,2 миллиард доллар, Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки 600 миллион доллар, шунингдек, Корея Республикаси Савдо сўғурта корпорацияси 280 миллион доллар, “Газпромбанк” 120 миллион доллар, “Росэксимбанк”, Россия экспорт кредит ва инвестицияларни сўғурталаш агентлиги 100 миллион долларлик инвестиция билан “Uzbekistan GTL” лойиҳасига қўшилди.

Бугун заводда иш қизган. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассис мамлакат иқтисодиётига ўз хизмати билан ҳисса қўшаётганидан фахрланади. Саноат корхонаси яқинида янги шаҳарча барпо этилган бўлиб, бунда ишчиларнинг дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча имкониятлар яратилган. Бу эса ҳар бир ходимнинг меҳнати қадрланаётганидан далолат. Келажақда завод ўз маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимиз ички бозорини, балки тез

орада дунё бозорини ҳам забт этиши шубҳасиз. Ишга қизиқиши баланд, билимга чанқоқ ёш авлод вакиллари эса нафақат ўзимизда, балки хорижий гигант корхоналарда ҳам етакчи мутахассис сифатида фаолият олиб боради.

Талабалар амалиётни шу жойда ўтамоқда

Бундай йирик корхонада амалиёт ўташ ҳар бир талабада ўзига хос фахр туйғусини ошириш билан бирга, келгусида иш жараёнига замин яратаяди.

Жорий йилнинг 4 март куни Президентимиз раислигида олий ўқув юртлири талабаларининг бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида таълимдаги долзарб масалаларга алоҳида урғу берилди. Жумладан, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни иш билан таъминлаш бўйича топириқлар ижросига эътибор қаратилди. Бу борада “Uzbekistan GTL” корхонаси ва юртимиздаги тегишли олий ўқув муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган ишлаб чиқариш ҳамда дипломолд амалиётларига қабул қилиш учун танлов ёшлон қилиниб, номзодлар саралаб олинди. Унинг натижаларига кўра, жами 800 нафар иштирокидан 102 нафарига заводда кенгайтирилган амалиёт ўташга имконият берилди.

— Тўрт нафар курсдошим билан Қорақалпоғистондан келиб амалиёт ўтагилми, — дейди Қорақалпоқ давлат университети талабаси Арслонбек Қуношбоев. — “Uzbekistan GTL” заводида иш ўрганиш бизга катта ғурур бахш этмоқда. Замонавий корхонада тажрибали мутахассислар иш ўрганиш барибир яхши-да. Ўқиб бошқа, амалиёт бошқа эканлигини амалда кўргилми. Бу ерда цех бошлиқлари, муҳандислар — ўз ишининг усталари бизга бирдек ёрдам бермоқда. Берган саволларимиз эътиборсиз қолмайди. Келгусида олийгоҳни тамомлаб, шу ерда ишлаш ниятим бор.

Амалиётчилар сафида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси Ахрор Дўстназаров ҳам бор. Муҳандислик касбига қизиққанлиги боис, олийгоҳда ҳам шу соҳа бўйича билим олмақда. Ҳозир тўртинчи босқич талабаси. Ахрор бу йил иккинчи бор заводда амалиёт ўтамоқда. Тажрибаси анча ошган. Шунингдек, аллақачон бу ердаги мутахассислар эътиборига тушиб, усталари ортидан эргашишга интилоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ИЛМ-ФАН

ЯНГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ

ёш олимлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш омили

Гуландом БОҚИЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори,
филология фанлари доктори,
профессор

Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида янги услубдаги қатор илмий-тадқиқот институтлари ташкил қилинди. Назарий ва амалий лингвистика, Адабиётшунослик, Таржимашунослик, Хорижий тилларни ўқитиш методикаси, Медиа ва коммуникация, Экология, Валидация, Ижтимоий жараёнларни ўрганиш илмий-тадқиқот институтлари шулар жумласидан. Уларнинг очилишида бир неча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Бундай ўзгаришлар ёш олимларнинг халқаро доирадаги бир неча йиллик ҳамкорлик муносабатлари, тажриба алмашувлар, ўрганишлар, таҳлил ва ҳулосаларга асосланган бўлиб, асосий мақсад юртимизда таълим сифатини янада оширишга қаратилган.

Ўз йўналиши бўйича ушбу илмий-тадқиқот институтларининг нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда ҳам муқобили йўқ. Масалан, тасдиқланган низоми мувофиқ, Валидация илмий-тадқиқот институти олдида юртимизда хорижий тиллар таълимининг сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига олиб чиқиш вазифаси қўйилган.

Назарий ва амалий лингвистика илмий-тадқиқот институти юртимизда тилшунослик соҳасидаги илмий назарий ва амалий масалаларни ечиш, соҳа ривожига доир бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланади. Институт фаолияти давомида профессионал илмий журнал ва рисо-лаларда илмий мақола, монографияларни чоп эт-тириш юзасидан четирмалар бўйича музокаралар олиб боради. Назарий ва амалий тилшунослик соҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қи-лади. Бундан ташқари, йиллик конференцияларда таянч докторант, докторант, мустақил изланувчи, стажёр-тадқиқотчи изланувчи ва ўқитувчилар ишти-рокини қўллаб-қувватлаш учун жамғарма ташкил этилади.

Мазкур йўналишдаги ишларни чуқурлаштириш эҳтиёжи жуда юқори. Сабаби, чет тилларни ўқи-тиш методологияси ва амалий тилшунослик йўналиши бўйича университетимизнинг халқаро алоқалари фаол ривожланмоқда. Хусусан, жаҳондаги элликдан зиёд мамлакат олимларини ўзида бирлаштирган Америка амалий лингвистика уюشمаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзбекистонлик тадқиқотчилар мазкур нуфузли илмий ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Шу билан бирга, уларнинг инновацион ишланмалари дунёнинг етакчи тилшунослари томо-нидан эътироф этилаётгани қувонарли ҳол.



Назарий ва амалий лингвистика илмий-тадқиқот институти соҳа олимлари, докторант, таянч док-торант, мустақил изланувчи, стажёр-тадқиқотчи, магистрант ва иқтидорли талабалар билан ҳам-корликда илмий изланишлар олиб боради. Янги маълумотларни тарқатиш ва алмашиш, амалий тилшунослик бўйича илмий янгиликлар юзасидан тарғибот-ташвиқотни йўлга қўяди.

Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг касбий ва илмий лаёқатини такомиллаштириш мақсадида кафедраларнинг устувор илмий йўналишларини қайта қўриб чиқиш ва бойитиш, университет мето-дистлари ҳаммуаллифлигида мақола, монография, дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш ва нашр этиш билан шуғулланади.

Медиа ва коммуникация илмий-тадқиқот институ-ти ҳам ўз фаолияти бўйича юртимизда ягонадир. У журналистика соҳасида тадқиқот олиб борадиган хо-рижий олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, мавжуд тажрибаларни ўрганади ва энг илғорлари-ни амалиётга жорий этади. Бундан ташқари, медиа ва коммуникация соҳасида илмий электрон журнал ташкил этиш режалаштирилган.

Ушбу илмий мактаб фаолияти, соҳада олиб бори-лаётган янги илмий изланиш ва тадқиқотлар етарли даражада қўллаб-қувватланади. Хусусан, ёш олим-ларнинг мақолаларини етакчи халқаро нашрлар-да чоп этиш жараёнини тизимлаштириш, халқаро анжуманлардаги иштирокини таъминлаш, илмий тадқиқотларни бевосита молиялаштириш йўлга қўйилади.

Юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга илмий ижодий кадрлар тайёрлашга бевосита хизмат қиладиган ўқув лабораторияларининг моддий-тех-ник базаси ҳозирги замон талабларига жавоб бери-шига эришиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, университет ҳузу-рида ташкил этилган янги илмий-тадқиқот институ-лари мамлакатимиздаги таълим сифатини оширишга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилади. Бунинг учун олимла-римизнинг куч-ғайрати, билим ва тажрибаси етарли.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

“БОЛАЛИК АКАДЕМИЯСИ” РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАСИ

тарбияланувчига нима беради, тарбиячига-чи?

ЮНИСЕФ Мактабгача таълим вазирлиги ва “Билим Макон” ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази билан бирга “Болалик академияси” рақамли платформасини ишга туширди.
У сифатли таълимдан узлуксиз фойдаланиш имконини берувчи онлайн, мобилъ ва офлайн платформа бўлиб, дунё бўйлаб миллионлаб болаларнинг ўқишини қўллаб-қувватлаш учун ишлатилмоқда.

Юртимизда мактабгача таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу мислсиз рақамли ўқув платформаси педагоглар ва ота-оналарнинг таълим-тарбия борасида мунтазам фаоллигини ошириш, ўзаро ҳамкор-ликини мустаҳкамлаш, илғор тажри-баларни ўртоқлашиш ва энг муҳими, таълим сифатини яхшилаш мақсадини ўзида мужассам этган.

Мазкур платформа мактабгача таъ-лим педагогларини малака ошириш курслари, машғулотлар режалари, қў-шимча ўқиш учун материаллар, рақам-ли таълим ва тарбия ресурслари билан таъминлайди. Барчаси “Илк қадам” мактабгача таълим давлат ўқув дас-тури ва Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ри-вожланишига қўйиладиган давлат та-лаблари асосида ишлаб чиқилган.

— Боланинг 5 ёшга қадар эгаллаган билими бутун умри давомида олади-ган таълим-тарбияси учун мустаҳкам

пойдевор бўлади. Бунинг учун тарбияловчи ва рағбатлантирув-чи муҳит яратилиши, бу орқали болалар ўқиб ўрганиши, ривожла-ниши ва ютуқларга эриша олиши зарур, — дейди мактабгача таълим вазир Агриппина Шин. — Ушбу муҳим давр ҳаётда фақат бир мар-та келади. Шу боис, у мактабгача ёшдаги миллионлаб болаларнинг келгуси ривожланиши учун жуда муҳим. Уларнинг бутун умри даво-мида эришадиган натижаси, молиявий таъминланганлик даражаси айнан шу вақтда бериладиган ёрдамга боғлиқ.

Боланинг мустақил фикрлаш лаё-қатини шакллантириш, қобилиятини рўёбга чиқариш ҳамда билим олишга интилишини қўллаб-қувватлашда ин-новацион ёндашувларнинг аҳамияти катта. Шу маънода, мазкур технологик инновацион ғоя мамлакатимиз бўйлаб мактабгача ёшдаги болаларга бог-чаларга бориши ёки бормаслигидан



қатъи назар, юқори сифатли ўқув ре-сурсларидан фойдаланиш имконини беради.

Маълумотлар фойдаланиш учун қу-лай шаклда жойлаштирилган бўлиб, керакли манбани тез топиш мумкин ва янги ишланмалар доим қўшилиб бо-ради. “Болалик академияси” уйда таъ-лим бериш учун ҳам бекиёс қўмакчи. У оддий машғулотлар учун кутубхона ва ота-оналар учун тавсиялар, бир-галикда ўйналадиган ўйинлар бўйича

қўрсатмаларни ўз ичига олади. Бундай ўйинлар ота-оналар ва бо-лаларнинг ўзаро муносабатини ри-вожлантиради.

Педагоглар болалар ҳаётига энг кўп таъсир қўрсатадиган мутахас-сислардир. Улар малака ошириш курсларида ўқиб, янги билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда ўз фаолиятида қўллаши мумкин. Тар-биячилар замонавий ва илғор таъ-лим амалиётидан фойдаланганда болалар жисмоний, ҳиссий ва таъ-лимиий жиҳатдан ўсишга эришади.

“Болалик академияси” педагогари-мизнинг шахсий ва касбий ривож-ланиши учун катта қулайликлар тақдим этади.

“Болалик академияси” болалар фойдаланиши учун ҳам қулай. Улар саводхонлик, ҳисоблаш ва ижтимоий-ҳиссий кўникмаларни ривожлантирувчи ўйинларни ўйнаши, она тилимиздаги электрон китоблар-ни ўқиши мумкин. Бундан ташқари, ўқув-кўнгилочар видеоларни томоша қилиш ва ёшга мос кутубхонадан фой-даланиш имконияти ҳам мавжуд.

Платформадagi ўқув материаллари илғор тажриба асосида яратилган ва ишончли. У текширилмаган манбалар-дан маълумот қидиришга эҳтиёж қол-дирмайди. Ушбу платформани бошқа тизимлар ва малака ошириш институ-

тига интеграция қилиш кўзда тутилган. Бу педагогларнинг касбий билимини мунтазам ривожлантириб боришга хизмат қилади. “Болалик академияси” платформаси таълим сифати бўйича “ўсиш нуқтаси” бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси мактаб-гача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида бо-лаларга мактабгача таълим муассас-сида таълим-тарбия беришининг ноёб муқобил усулларини излаш ва амалиётда жорий этиш муҳим аҳа-миятга эга эканига алоҳида ургу бе-рилган. Бугун мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуника-ция технологияларини жорий этишга ҳар қачонгидан катта эътибор қара-тилмоқда. Зеро, мактабгача таълим

муассасаларида таълим-тарбия жа-раёни қанчалик юқори савияда таш-кил этилса, боланинг интеллектуал салоҳияти шунчалик юқори шаклла-нади. Шу нуқтаи назардан жорий эти-лаётган янги платформа таълим си-фати ва мазмунига самарали таъсир қўрсатиши билан аҳамиятлидир.

Миндан ортиқ ўқув ва тарбия мате-риаллари, юздан ортиқ видеороликлар ўзбек тилида, рақамлаштирилган ҳол-да жойлаштирилган ушбу платформа-ни ишга тушириш орқали юртимиз бў-йича 20 мингга яқин педагогони қамраб олиш, 1,5 миллионга яқин боланинг ўқиш ва ривожланиш натижасини яхшилаш кўзда тутилган.



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жамият

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган инновацион ғоя ва технологиялар аҳоли фаровонлигига хизмат қиляпти.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, 13 туман инновацион худудга айлантирилганди.

Алишер НОРБОВЕВ,
Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ургут инновацион худуди бўйича масъул ходими

Ана шундай худудлардан бири Ургутда ирсий касалликларни аниқлаш учун генетик лаборатория ташкил қилинган. Лаборатория ирсий касалликлар билан боғлиқ муаммо-ларга ечим топиш, уларни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Лаборатория замонавий усуллар ёрдамида ирсий аллелин касалликларини тасдиқлаш учун болаларни оммавий текшириш, бемор-ларни даволаш самарадорлигини ошириш ва ҳомиланинг генетик синдроми бўйича хавф гу-руҳини аниқлаш имконини беради.

Ирсий касалликларнинг 6 мингдан ортиқ тури мавжуд. Улар турли даражада намоён бўлади. Баъзилари туғма бўлиб, ривожла-нишдаги нуқсонларга қараб аниқланади. Қариндошлар ўртасидаги никоҳда қақалоқлар ўлими, ақлий заифлик ва оғир туғма нуқсон-лар хавфи деярли икки баравар ошади.

Бугунги кунда дунёда ҳар 100 боладан 5-6 нафари генетик касаллик билан туғилади. Уларнинг аксарияти ирсий мойилликлар-га эга хасталиқдир. Шу мойилликни эрта аниқлаш катта муаммолар юзага келишига йўл бермайди.

Генетик лабораториянинг аҳамиятини юқоридаги маълумотлар ҳам тасдиқлаб ту-рибди. Ургутдаги лойиҳадан кўзланган мақ-сад эса ирсий касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳамда ўз вақтида бўлажак ота-оналарга тўғри тушултириб, туғма ноғи-ронликка олиб келадиган нуқсонлари бўлган

болалар туғилишини бир неча баробар ка-майтиришдир.

Ургут туманида телетиббиди хизмати ҳам йўлга қўйилди. Олисдаги бемор ва ши-фокор ўртасидаги мулоқотни таъминлаб берадиган телетиббиди нафақат вақт, бал-ки маблағни ҳам тежайди. Беморнинг муо-лажадан олдинги, муолажа вақтидаги ва ундан кейинги аҳолини назорат қилувчи мазкур тизим олис худудлар аҳолиси учун энг мақбул ечимдир.

Лойиҳа доирасида шифокорлар ва бе-морлар реал вақт режимида мулоқот қилиб, махсус ускуналар (IoT — Internet of things) воситасида маълумотларни масофадан му-тахассисга юборади. Шу билан бирга, улар нафақат бири бирини кўриш ва эшитиш, бал-ки электрокардиограмма, электроэнцефало-грамма, ультратовуш текшируви суратлари, матн ва график маълумотларни алмашиши мумкин.

Масофадан туриб даволаш, шифо топиш имконини берадиган бундай усул поликли-никага бора олмайдиган ёки ўзига хизмат кўрсата олмайдиган қариялар ва бемор-

ларни кузатиб бориш учун ҳам қўл келади. Шунингдек, мунтазам текширувларга муҳтож беморлар соғлиғини назорат қилиш мақса-дида узоқдан мониторинг олиб борилади.

Янги дунёқараш илмий янгилик ва каш-фиёт сари ундайди. Бу йўл эса, албатта, та-раққиётга бошлайди. Бугун юртимизда янги технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш, олимлар фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Демак, ил-мий-тадқиқот муассасалари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ механизмнинг тўла ишлаши учун барча имко-ният мавжуд. Фақатгина ўз ақлий салоҳияти-мизни ишга солиб, соҳалар ривож, ён-атро-фимиздаги одамлар учун нима муҳимлиги, нима уларнинг мушкуллини осонлаштириши ҳақида бир оз фикр қилсақ етарли.

Алоҳида таълимга эҳтиёжи борлар учун қулайлик яратиш қизиқарли бўлиши билан бирга, қалбимизга ҳузур бағишлайди. Чунки бу орқали имконияти чекланган инсонлар-нинг оғири енгил бўлади.

Ургут инновацион худудиди кўзи оғизлар учун махсус брайл дисплейи, брайл компью-тер клавиатураси, брайл мобилъ клавиату-раси ва кўзи оғизлар учун хасса яратилиб, махсулотлар Кўзи оғизлар жамияти аъзола-рига совға қилинмоқда. Лойиҳа фойда олиш учун ишлаб чиқилмаган. Барча махсулотлар эҳтиёжманд одамларга совға қилинади.

Йўлда бирор фалокат юз берса, жабр-ланувчини шифохонага ўз вақтида етказиб бориш жуда муҳим. “Ujam innovate” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган SOS махсус ку-рилмаси йўл-транспорт ҳодисаси вақтида call марказларга хабар беради. Қолаверса, мазкур корхона спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчиларни аниқлаш ва автофа-локатларни бартараф этишга қаратилган ал-котестор ишлаб чиқармоқда.

Бундай замонавий ва долзарб лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани Ургут каби инновацион худудларнинг мамлакатимиз иқтисодий та-раққиётдаги ўрни муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КИТОБХОН МИЛЛАТ

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Мутолаа

ҚАЛЪНИ ЗИЁҒА ТЎЛДИРАДИ II республика “Китобхонлик ҳафталиги” тадбирлари доирасида бу ўз тасдиғини топмоқда

Бошланиши 1-бетда

— Бугунги байрам адабиёт баҳори, шеърият баҳори, эзуликнинг ажойиб тантанасидир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ношир Жаббор Раззоқов. — Бу жараёнда эса, албатта, тафаккур ва тасаввур манбаси бўлган ноёб китобларнинг ўрни тенгсиз. Мазкур ажойиб китобхонлик тадбирлари пойтахтимизда бошланиб, юртимизнинг барча ҳудудларида давом этади. Ҳафталик доирасида эътиборга молик кўплаб янги нашрлар тақдиротлари ўтказилади.

Турфа китоблар билан танишиб турган Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактаби директори Гулноза Музаффаровани суҳбатга тортидик:

— Бугунги байрамни ўқувчиларимиз билан роса кутдик. Ахир бу ерда қачонлардан бери излаб юрган севимли асарларимиз билан дийдорлашамиз-да. Шу кунларда ўзимизнинг туманда ҳам китоб марафонлари ташкил қилинмоқда. Бундай тадбирлардан нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар ҳам хурсанд. Насиб қилса, китобхон ўғил-қизларимизни ҳафта давомида янги асарлардан баҳраманд этиб борамиз.

Ҳафталик дастурида бу каби тадбирларга келиш имконияти бўлмаган болаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари кутубхоналарига “Меҳр кутубхонаси” ижтимоий лойиҳаси доирасида китоблар тақдим этилади.

— Вилоятларда ҳам “Меҳр кутубхонаси” лойиҳаси доирасида мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, ихтисослашган мактаб кутубхоналарига бадиий адабиётлар совға қилинади, — дейди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева. — Шунингдек, Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятларида “Биз буюк давлат, буюк тарих, буюк маданият яратган халқимиз” шиори остида буюк аждодларимиз маданий меросини тарғиб қилишга қаратилган йирик тадбирлар бўлиб ўтади.

Дарҳақиқат, бугун Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳафталик кўтаринки руҳда бошланди.

Унда нутқ сўзлаганлар “Ёш китобхон” танловининг фарғоналик ғолиблари Шарофатхон Исмоилова ва Муҳаммадфозил Исмоиловнинг ютуқлари мисолида ёшларни мутолаага руҳлантириб, бундай натижалар мамлакатимизда китобхонликка қаратилаётган юксак эътибор самараси эканини қайд этишди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида вилоят миқёсида “Энг яхши китобхон ҳудуд”, “Энг яхши китобхон маҳалла”, “Энг яхши китобхон таълим муассасаси”, “Энг намунали китоб дўкони” кўрик-танловлари ўтказилади. Вилоятдаги барча олий таълим муассасалари талабалари ўртасида эса “Энг китобхон талаба”, “Энг китобхон гуруҳ”, “Энг китобхон факультет” интеллектуал танлов ва ўйинлари ташкил этилади.

Мазкур йирик тадбир журналистика, филология, таржимонлик йўналишларида тахсил олаётган талаба-ёшлар учун ташкил этиладиган меҳнат ярмаркалари билан ҳам аҳамиятли. Зеро, бу орқали



ёшлар бандлигини таъминлаш, ноширлик соҳасида “устоз-шогирд” аъёнасини ривожлантириш ва наърий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга эришиш кўзда тутилмоқда. “Ноширлик иштини янги босқичга олиб чиқиш, наشريётлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш” мав-

бундан ташқари, ҳафталик доирасида ташкилотчилар томонидан энг фаол наشريётларни тақдирлаш, соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларни, китоб тарғиботчилари ва ижодкорларни рағбатлантириш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга, кутубхоналарда сақланган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш ишларига муносиб ҳисса қўшган, китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш ва ёш мутахассисларни тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилган ва юқори натижаларга эришган ходимлар “Ахборот-кутубхона аълочили” кўрак нишони билан тақдирланади.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилингани соҳанинг тараққиётга юз тугишида муҳим омили бўлди.

Қарор билан юртимиздаги кутубхоначиларнинг азалий орзуси ушалди. 21 май — **Кутубхоначилар кун**и этиб белгиланди. Энг муҳими, қарорда кутубхоначиларни кўп йиллик фидокорона меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва рағбатлантириш ҳам назарда тутилган. Бу эса, ўз-ўзидан соҳа вакилларида қаратилаётган алоҳида эътибор, улкан рағбат, эътироф бўлиши баробарида юксак масъулият ҳамдир.

Нега кутубхоначилар ҳақида кўпроқ гапиряпмиз? Кутубхонани нурхонага қиёс қиладиган бўлсак, ўша нурхонага янада файз берадиган, китоблар зиёсини эртамиз эгаларининг покиза қалбига жойлашга муносиб хизмат қиладиган инсонлар — кутубхоначилар. Шу маънода, китобхонлик билан боғлиқ ҳар қандай тадбирлар, айниқса, ҳафталиклар уларнинг байрамига айланиб кетади.

Мухтасар айтганда, ҳафталик доирасидаги тадбирлар турфа. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос таъриф бериш қийин эмас. Аммо фикримизча, ҳафталикда фаол иштирок этиб, уларга жонли гувоҳ бўлганингиз маъқул.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аксарият ота-оналар “болам телефондан бош кўтармайди, китоб ўқигиси келмайди”, деб нолиб турган бир пайтда тенгдошлари орасида фавқулодда ажойиб ғоялари, изланишлари билан ярқ этиб кўзга ташланаётган ёшлар шижоати дилни қувонтиради.

Паркентлик Маржона Қиёмова анча-мунча йигитлардан шижоатли, десак хато бўлмайди. У айти пайтда Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич талабаси. Маржона Чирчиқ тиббиёт коллежида ўқиётган кезлари ёшлар радиоси фаолиятини йўлга қўйиб, 2 йил бошловчилик қилган.

ТАЛАБА МАҲАЛЛАСИ УЧУН КУТУБХОНА ҚУРАДИ

Сўзамоллик, журналистик қобилият шаклланиб бораётган, Маржонада ўз-ўзидан танловларда иштирок этиш истаги кучайди. 2018 йилда “Юксак маънавиятли авлод — юрт келажаги” фестивалининг “Бадиий ижод” йўналишида ўзини сынаб кўрди. Интилганга толе ёр, деганларидек, натижа у кутганидан ҳам зиёда бўлди — 1-ўрин.

Шу йили декабрда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган “Конституция билимдони” танловида ҳам Чирчиқ шаҳрида биринчилиқни кўпга киритди. Илк муваффақиятлар унга янада куч бағишлаб, ижодкорлик салоҳиятидан ташқари интеллектуал қобилиятини ҳам ўстириб боришга қирришди. Бунинг исботи ўларок, 2019 йили Тошкент вилояти касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган она тили фан олимпиадасида 2-ўринни эгаллади.

Утган йили талабалик бахтига муяссар бўлган ҳақрамонимиз бу даврни ҳам муваффақиятлар билан бошлади. Қатор

яхши деб топди. Шу боис, элчихона вакиллари дастлаб 50 миллион сўм ажратишга қарор қилган бўлса, Паркентга келиб, лойиҳа доирасидаги ишлар билан танишгач, маблаг миқдори 100 миллион сўмга кўтарилди. Қолган харажатлар Паркент тумани ахборот-ресурс маркази томонидан қопламини режалаштирилган.

— Президентимиз тиббиёт ходимлари билан ўтказган учрашувда иштирок этдим. “Минг афсусли, соғлиқни сақлаш муассасаларида айрим шифокорларнинг аҳоли билан кўпол муомалада бўлиши, одамларни менсимаслик, ўз вазифасини суиистеъмол қилиши каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Бундай вазиятни ўзгартириш учун, аввало, тиббиёт ходимларининг маънавий дунёсини, беморлар билан мулоқот маданиятини юксалтириш зарур”, дея куюниб гапирди давлатимиз раҳбари. Бу бежиз эмас. Шифокорларнинг маънавияти, муомала маданияти юксалиши учун ҳам мутолаа керак. Президентимиз соҳа-

“**МАРЖОНА ЎЗ ТЕНГДОШЛАРИ, УМУМАН, БАРЧА ЁШЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИ, БУНИНГ УЧУН КЎПРОҚ МУТОЛАА ҚИЛИШINI ИСТАЙДИ. ЭЪТИБОРЛИСИ, У ЎЗ МАҲАЛЛАСИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЎҚИМИШЛИ, ЗИЁЛИ БЎЛИШИ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛА ОЛИШИ ҲАҚИДА КЎП ЎЙЛАЙДИ.**”

кўрик-танловлардан муваффақиятли ўтди. Шунингдек, “Мутахассислик бўйича энг яхши талаба”, “Энг ёш кашфиётчи талаба” номинацияларидаги ютуқлар унга илҳом, куч бераверди. Маржона тиббиёт академиясида ҳам дарров кўзга ташланди-қолди. Олийгоҳ уни янада шакллантириб, янги-янги қирраларини кашф этди, дейишга асос бор. Чунончи, академияда таъсис этилган Зулфия стипендиясига сазовор тиришқоқ талаба халқаро талабалар конференциялари, илмий анжуманларда фахрли ўринларни кўлдан бермай келяпти. Халқаро ва маҳаллий журналларда 10 дан ортиқ илмий мақоласи, кўплаб шеърлари, ўқув-методик қўлланмаси чоп этилган.

Маржона ўз тенгдошлари, умуман, барча ёшларнинг муваффақиятга эришиши, бунинг учун кўпроқ мутолаа қилишини истади. Эътиборлиси, у ўз маҳалласидаги болаларнинг ўқимишли, зиёли бўлиши учун нималар қила олиши ҳақида кўп ўйлайди. Академияда ўтказилган “**Маҳаллам — менинг фахрим**” танловида ҳам 1-ўрин соҳибаси бўлгани унинг маҳалласига нечоғлиқ муҳаббатли эканидан дарақдир.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кичик лойиҳалар учун грантлар танловини эълон қилганда, Маржона ўйлашиб ўтирмай кадрдон маҳалласи “Кумушкон”да кутубхона очиш лойиҳаси билан иштирок этди. 200 нафарга яқин иштирокчи қатнашган танловда Германия элчихонаси унинг лойиҳасини энг

да дастуруламал бўладиган истиқболли вазифаларни белгилаш баробарида ҳар бир маҳаллада кутубхона бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, кўрик-танловларда кўп иштирок этганим учун китоб мутолааси инсон ҳаётида муҳим омили бўлишини чўқур ҳис қилман, — дейди Маржона.

Маҳаллада кутубхона очиш ғоясига ҳам шу туртки бўлди. Германия элчихонаси лойиҳага долзарб масала сифатида қаради. МФЙ биносининг бўш турган зали энди бу орзуларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Кутубхона ҳам электрон, ҳам анъанавий тарзда фаолият кўрсатади. Кумушконда қариб 3 минг киши яшаса, шунинг 1,5 минга яқини ёшлар. Шундан келиб чиқиб, туман ахборот-ресурс марказига дастлаб 1,5 мингга яқин китобга бюртма берилди.

— Кумушкон туристик ҳудуд бўлгани боис, сайёҳлар учун чет тиллардаги китобларга ҳам алоҳида ўрин ажратамиз. Кутубхонамизда 2 та иш ўрни очилади. Элчихонага барча хужжатларни юбордик, насиб қилса, шу ойда маблаг ажратиб берилса, муъжазига кутубхонамиз иш бошлайди. Бу ерда нафақат китоб мутолаа қилинади, балки турли танловлар ўтказиш, тўғарақлар очиши ҳам мақсад қилганмиз. Умуман олганда, “Китобхон маҳалла” номи учун курашамиз, — дейди Маржона Қиёмова.

Муножат РАҲИМЖОН қизи,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1112.
85049 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (70) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳас: Малоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 23:15 Топирилди — 00:25